



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 14 » август

№ 486

Toshkent sh.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда туман (шаҳар)ларда хотин-қизлар жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ–5938-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ–5938-сон Фармонига мувофиқ қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда туман (шаҳар)ларда **хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари** (кейинги ўринларда хотин-қизлар кенгашлари) ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари – **хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари раислари** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда туман (шаҳар)лардаги хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги намунавий низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

хотин-қизлар кенгашларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

хотин-қизлар кенгашларининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби, шунингдек, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг моҳияти;

хотин-қизлар кенгашларининг давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларидаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш.

3. Қуйидагилар **хотин-қизлар кенгашларининг асосий вазифалари** ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин:

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда хотин-қизларнинг **ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларнинг бу борадаги саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш;**

хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларга ўз вақтида **ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига ҳамда ваколатли давлат органларига таклифлар киритиш;**

хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш ишларини ташкиллаштиришга кўмаклашиш орқали **уларнинг бандлигини таъминлаш учун ваколатли орган ва ташкилотларга таклифлар киритиш;**

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган **ишлар ва ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини хотин-қизлар эътиборига етказиш;**

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларни бартараф этишнинг энг мақбул йўллари аниқлаш мақсадида **ижтимоий сўровлар ўтказилишини ташкил этиш;**

иқтидорли, фаол ва ташаббускор хотин-қизларни, Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳамда “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибаларини аёллар ва қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларни **маҳаллалар ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларига кенг жалб этиш чораларини кўриш;**

оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияларга ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга услубий-амалий кўмаклашиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

хотин-қизлар кенгашлари ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади;

жамоат ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифаларни давлат ва жамоат ташкилотларидан жамоат кенгашига жалб этилган вакил билан ҳамкорликда амалга оширади ҳамда ушбу вакил тегишли вазифаларнинг қуйи тизимда амалга оширилишини таъминлайди;

хотин-қизлар кенгашлари ўз фаолиятини мазкур қарор билан тасдиқланган намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳудудий бўлинмалари томонидан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширади;

ўзига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариб келаётган хотин-қизлар жамоатчилик кенгашларининг фаол ва ташаббускор аъзолари

ва Тошкент шаҳар маҳаллий, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ва Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги хузуридаги **“Обод ва хавфсиз маҳалла” жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилиши мумкин;**

Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари тегишли **хотин-қизлар кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этишга шахсан жавобгар ҳисобланади.**

5. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари **2020 йил 30 августга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари билан биргаликда:

мазкур қарор билан тасдиқланган намунавий низом асосида тегишли Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лардаги **хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги низомларни ҳамда хотин-қизлар кенгашлари зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, уларнинг иш режаларини тасдиқласин;**

тегишли ҳудуддаги давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларида намунали фаолият олиб бораётган, обрў-эътиборли ва ташаббускор хотин-қизлардан, фуқаролар йиғинлари раисларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари ҳамда оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассисларидан иборат **жамоатчилик кенгашлари таркибини шакллантирсин.**

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда
туман (шаҳар)лардаги хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом (кейинги ўринларда – Низом) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда туман (шаҳар)лардаги хотин-қизлар жамоатчилик кенгашларининг (кейинги ўринларда – хотин-қизлар кенгашлари) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Хотин-қизлар кенгашлари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.

3. Хотин-қизлар кенгашлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳужжатларига, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги низомлар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

**2-боб. Хотин-қизлар кенгашларининг асосий вазифалари, функциялари,
ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

5. Хотин-қизлар кенгашларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларнинг бу борадаги саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш;

хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари ҳамда дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва уларнинг ижроси таъминланишида

тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларга ўз вақтида ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига ҳамда ваколатли давлат органларига таклифлар киритиш;

хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш ишларини ташкиллаштиришга кўмаклашиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш учун ваколатли орган ва ташкилотларга таклифлар киритиш;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини хотин-қизлар эътиборига етказиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларни бартараф этишнинг энг мақбул йўлларини аниқлаш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказилишини ташкил этиш;

иқтидорли, фаол ва ташаббускор хотин-қизларни, Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳамда “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибаларини аёллар ва қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларни маҳаллалар ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларига кенг жалб этиш чораларини кўриш;

оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияларга ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга услубий-амалий кўмаклашиш.

6. Хотин-қизлар кенгашлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ кўйидаги функцияларни бажаради:

доимий равишда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш натижалари асосида ёрдамга муҳтож, ногиронлиги бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига ҳамда ваколатли давлат органларига таклифлар киритади;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги келишмовчиликларни тўғри ҳал қилиш ҳамда оилаларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажралишларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни амалга оширишга кўмаклашади;

хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш, кредитлар ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифларни ваколатли давлат органларга киритади;

хотин-қизларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказди;

маҳаллаларда хотин-қизлар иштирокида ўтказиладиган тадбирларларни ташкиллаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига яқиндан кўмаклашади;

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқарилиши юзасидан жамоатчилик фикрини таҳлил қилиб боради;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказди, шунингдек, ушбу масалаларда конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларини ташкил этишда иштирок этади;

маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойиллиги бўлган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, оғир руҳий ҳолатга ва ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масалаларини муҳокама қилади ва амалга ошириладиган зарур амалий чора-тадбирларни белгилайди.

7. Хотин-қизлар кенгашлари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари, давлат органлари, хўжалик бирлашмаларидаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларнинг йиғилишлари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарларига хотин-қизлар кенгашлари ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ишларини кучайтириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун тегишли давлат органларидан зарур бўлган ахборотлар, статистика ва бошқа материалларни белгиланган тартибда олиш;

давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасида иштирок этиш;

хотин-қизлар кенгашлари мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

хотин-қизлар, айниқса ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёллар учун назарда тутилган имтиёзлар ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

хотин-қизларнинг мурожаатларига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан берилган жавобларни таҳлил қилиш;

ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.

Хотин-қизлар кенгашлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Хотин-қизлар кенгашларининг ўз фаолиятини амалга ошириш доирасидаги мажбуриятлари:

қонун ҳужжатлар ва мазкур Низом талабларига риоя этиши;

фуқароларнинг ор-номуси ва кадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, махфийлигига риоя қилиши.

Хотин-қизлар кенгашлари ўз зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

3-боб. Хотин-қизлар кенгашларининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби

9. Хотин-қизлар кенгашларининг таркиби тегишли Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари, туман (шаҳар)лардаги маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари (кейинги ўринларда – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари) бошлиқлари буйруғи билан тасдиқланади.

10. Хотин-қизлар кенгашлари туман (шаҳар)ларда 15-25 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 30-40 нафар аъзодан иборат бўлади.

Хотин-қизлар кенгашларини мазкур низомга 1а ва 1б-иловаларга мувофиқ намунавий таркибда шакллантириш тавсия этилади.

Вилоят хотин-қизлар кенгаши таркибига, қоида тариқасида, ҳудуддаги ҳар бир туман (шаҳар) хотин-қизлар кенгашлари раислари киритилади.

11. Хотин-қизлар кенгашларининг таркиби ҳар уч йилда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

12. Хотин-қизлар кенгашларининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари киради.

13. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида хотин-қизлар кенгашларига раислик қилади.

14. Вилоятларда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи, туманларда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман (шаҳар) бўлимининг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси бир вақтнинг ўзида хотин-қизлар кенгашларининг котиблари ҳисобланади.

15. Хотин-қизлар кенгашлари раисларининг ўринбосарлари хотин-қизлар кенгашлари аъзолари орасидан йиғилиш иштирокчиларининг учдан икки қисмининг овози билан сайлаб олинади.

16. Қуйидаги ҳолатларда хотин-қизлар кенгашлари раисларининг ўринбосарлари ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

улар томонидан хотин-қизлар кенгашлари таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

хотин-қизлар кенгашларининг мажлисларида уч ва ундан ортиқ маротаба иштирок этмаганда;

мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

хотин-қизлар кенгашлари зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш ишларида мунтазам қатнашмаганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

Хотин-қизлар кенгашларининг раиси ва котиби Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларида эгаллаб турган лавозимидан озод этилганда хотин-қизлар кенгашларидаги ваколатларини ҳам ўзидан соқит қилади.

17. Хотин-қизлар кенгашларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартиришлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб беш кун ичида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

18. Хотин-қизлар кенгашининг раиси:

фаолиятга умумий раҳбарлик қилади;

мажлисларни чақиради ва кун тартибини белгилайди;

мажлисларда раислик қилади;

иш режаларни, мажлис баённомаларини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлайди;

қарорлари ижросини назорат қилади;

аъзоларни маҳаллаларга ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб тегишли йўналишларга бириктиради;

аъзолар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг расмий веб-сайтларида ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган хотин-қизлар кенгашлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ҳамда уларни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари билан келишади;

қарорларини бажариш масалалари юзасидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;

хотин-қизлар кенгашларининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

19. Хотин-қизлар кенгашларининг раиси ўрнида бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини раис ўринбосари бажаради.

20. Хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари:

раис йўқлигида хотин-қизлар кенгашининг мажлисларида раислик қилади;

хотин-қизлар кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, шунингдек, хотин-қизлар кенгаши фаолиятига тааллуқли мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

хотин-қизлар кенгашининг самарали ишларини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Хотин-қизлар кенгашининг котиби:

хотин-қизлар кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

хотин-қизлар кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ хотин-қизлар кенгашларининг мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

хотин-қизлар кенгашининг тадбирлари ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини хотин-қизлар кенгашининг раиси билан келишади;

хотин-қизлар кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни хотин-қизлар кенгаши мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қилади;

хотин-қизлар кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини хотин-қизлар кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

хотин-қизлар кенгаши мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг хотин-қизлар кенгашлари аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга юборилишини таъминлайди;

хотин-қизлар кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа чораларни амалга оширади.

22. Хотин-қизлар кенгашларининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Хотин-қизлар кенгашларининг мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолларда, кенгаш аъзоси мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда унинг фикри мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Хотин-қизлар кенгашининг аъзоси:

хотин-қизлар кенгашининг иш режаларига таклифлар беради ҳамда тасдиқланган иш режалари бажарилишида иштирок этади;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тўсик бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда қатнашади;

хотин-қизлар кенгаши мажлисларининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

хотин-қизлар кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ муурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан учрашувлар ўтказиши ва уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича таклифларни хотин-қизлар кенгашига киритади;

хотин-қизлар кенгашининг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

23. Хотин-қизлар кенгашлари фаолияти мазкур низомга 2-иловага мувофиқ схема асосида ташкил этилади.

Фаолиятнинг асосий масалалари кенгашнинг мажлисида кўриб чиқилади. Хотин-қизлар кенгашларининг мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар ойда камида бир марта чақирилади.

Хотин-қизлар кенгашлари раисининг ташаббуси, шунингдек, хотин-қизлар кенгашлари аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлиси чақирилиши мумкин.

24. Хотин-қизлар кенгашларининг мажлисларига давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва жамоат ташкилотларидаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларнинг раислари, шунингдек, бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, маҳалла фаоллари таклиф этилиши мумкин.

25. Хотин-қизлар кенгашлари мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан унинг аъзолари таклифлари ва раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

26. Хотин-қизлар кенгашларининг мажлисини унинг раиси олиб боради.

Хотин-қизлар кенгашларининг мажлисида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

27. Хотин-қизлар кенгашларининг мажлиси, агар унда кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

28. Хотин-қизлар кенгашларининг қарори мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

29. Хотин-қизлар кенгашларининг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.

30. Хотин-қизлар кенгашларининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма шаклда ифодалашга ҳақли. Аъзоларнинг фикри хотин-қизлар кенгашлари мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда қўшиб қўйилади.

31. Хотин-қизлар кенгашларининг мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади.

Хотин-қизлар кенгашлари мажлисининг баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига, фуқаролар йиғинларига, хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга, хотин-қизлар кенгашлари аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади.

Хотин-қизлар кенгашининг бевосита унинг ваколатларига киритилган масалалар бўйича қабул қилган қарорлари ва баённомаларидаги кўрсатмалар

хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар томонидан бажарилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

32. Зарур ҳолларда хотин-қизлар кенгашларининг раиси ташаббуси билан қарор хотин-қизлар кенгашларининг аъзолари билан келишилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари хотин-қизлар кенгашларининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда, қарорни олган санадан бошлаб ўн кундан кечикмай унга ўзининг асослантирилган эътирозини ёзма шаклда юборади.

33. Хотин-қизлар кенгашларининг котиби кенгаш аъзолари кўмагида хотин-қизлар кенгашлари қарорлари ижросининг боришини ўрганади ва кўриб чиқади, зарур ҳолларда хотин-қизлар кенгашларининг раисига тегишли таклифлар киритади.

34. Хотин-қизлар кенгашларининг фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилади ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириб борилади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари ҳамда уларнинг биринчи ўринбосарлари хотин-қизлар кенгашларининг фаолиятини маҳаллий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилишини ташкил этади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Матбуот хизмати хотин-қизлар кенгашларининг фаолиятини марказий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилишини таъминлайди ва ушбу мақсадда хотин-қизлар кенгашларининг котиблари билан тезкор маълумотлар алмашинувини амалга оширади.

35. Туман (шаҳар)лар хотин-қизлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашларига амалга оширилган ишлар ва мавжуд таклифлар юзасидан йилнинг ҳар чораги якунида ахборот тақдим этиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашлари раислари Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар амалга оширилган ишлар ва мавжуд таклифлар юзасидан ахборот тақдим этиб боради.

36. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари мутасаддилик қиладиган бошқарма ва бўлимлари томонидан хотин-қизлар кенгашлари фаолияти мунтазам мониторинг қилинади ҳамда уларга услубий ва амалий кўмаклашилади.

4-боб. Хотин-қизлар кенгашларининг давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларидаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

37. Давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги фаоллигини кучайтириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш, тадбиркорлик ва касбий маҳоратини ошириш, миллий, маънавий кадриятларимизга асосланган ҳолда оила муносабатларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар тузилиши мумкин.

Хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар хотин-қизларни ихтиёрийлик асосида бирлаштиради, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

38. Хотин-қизлар кенгашлари давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларидаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

39. Хотин-қизлар кенгашлари хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар орқали хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор долзарб масалалар юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқади, уларга услубий-амалий кўмаклашади ҳамда фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар беради.

40. Хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар мажлисларига давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларидаги бошқа хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларнинг раислари ва хотин-қизлар кенгашларининг аъзолари таклиф этилиши мумкин.

41. Хотин-қизлар кенгашлари ўз иш режалари ва қарорларини уч кун ичида бошланғич ташкилотларига фойдаланиш учун юборади.

42. Хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларидаги фаоллигини кучайтириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш, тадбиркорлик ва касбий маҳоратини ошириш, миллий, маънавий кадриятларимизга асосланган ҳолда оила муносабатларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишларини амалга ошириш, мавжуд муаммоларини бартараф этиш юзасидаги таклифларини хотин-қизлар кенгашларига беради.

43. Хотин-қизлар кенгашлари аъзолигига давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларидаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларнинг фаол раислари ҳам киритилади.

5-боб. Яқунловчи қондалар

44. Хотин-қизлар кенгашларининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

45. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари хотин-қизлар кенгашларининг фаолиятини самарали ташкил этишга шахсан масъул ҳисобланади.

46. Хотин-қизлар кенгашларининг ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг хотин-қизлар кенгашлари фаолияти билан боғлиқ қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

47. Хотин-қизлар кенгашларини тугатиш ва қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар
ва Тошкент шаҳрида ҳамда туман
(шаҳар)лардаги хотин-қизлар жамоатчилик
кенгашлари тўғрисидаги намунавий низомга
1а-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри
хотин-қизлар жамоатчилик кенгашининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари бошлиғининг биринчи ўринбосари, *хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши раиси*
2. Хотин-қизларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат ноижорат ташкилот раҳбари, *хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари*
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси
(*келишув асосида*)
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати (*келишув асосида*)
5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари депутати
(*келишув асосида*)
6. Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиғининг ўринбосари
7. Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари масъул ходими
8. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари масъул ходими
9. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари масъул ходими
10. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари масъул ходими
11. Республика Маънавият ва маърифат марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар бўлимлари масъул ходими
12. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Марказий банки бош бошқармаси масъул ходими (*келишув асосида*)
13. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар телерадиокомпанияси масъул ходими (*келишув асосида*)

14. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар газетаси таҳририяти масъул ходими *(келишув асосида)*
15. Республика “Тадбиркор аёл” Ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмалари раиси
16. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари раҳбари
17. Республика зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишни олдини олиш маркази Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар филиаллари раҳбари
18. Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳамда “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибалари
19. Давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларидаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларнинг фаол, тажрибали ва ташаббускор раислари
20. Хотин-қизларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат ноtijорат ташкилотларнинг фаол, тажрибали ва ташаббускор раҳбарлари *(келишув асосида)*
21. Туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосарлари – туман (шаҳар) хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгашлари раислари
22. Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда вилоят, Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлимлари бошлиғи, *хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгашининг котиби*

Изоҳ. Хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгашлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 30-40 нафар аъзодан иборат таркибда шакллантирилади. Мазкур намунавий таркиб тавсиявий бўлиб, хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгашлари таркибига тегишли ҳудуддаги бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларида намунали фаолият олиб бораётган, обрў-эътиборли ҳамда ташаббускор, соҳанинг етук мутахассислари бўлган хотин-қизлар ҳам киритилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар
ва Тошкент шаҳрида ҳамда туман
(шаҳар)лардаги хотин-қизлар жамоатчилик
кенгашлари тўғрисидаги намунавий низомга
16-илова

Туман (шаҳар) хотин-қизлар жамоатчилик кенгашининг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

1. Туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари, *хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши раиси*
2. Хотин-қизларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилот раҳбари, *хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари*
3. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари депутати
(*келишув асосида*)
4. Туман (шаҳар) ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори
5. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими масъул ходими
6. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими масъул ходими
7. Туман (шаҳар) аҳолига қўмаклашиш марказлари масъул ходими
8. Туман (шаҳар) тижорат банклари филиаллари масъул ходими
(*келишув асосида*)
9. Туман (шаҳар) ФҲДЁ органи мудири
10. Туман (шаҳар) газетаси таҳририяти масъул ходими
(*келишув асосида*)
11. Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) тадбиркорликка қўмаклашиш марказлари масъул ходими
12. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишни олдини олиш маркази туман (шаҳар) филиаллари раҳбари
13. Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳамда “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибалари
14. Фаол, тажрибали ва ташаббускор фуқаролар йиғини раиси
(*келишув асосида*)
15. Фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича фаол, тажрибали ва ташаббускор ўринбосарлари
16. Давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларидаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларнинг фаол, тажрибали ва ташаббускор раислари

17. Туман (шаҳар) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимнинг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси, *хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашининг котиби*

Изоҳ. *Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашилари туман ва шаҳарларда 15-25 нафар аъзодан иборат таркибда шакллантирилади. Мазкур намунавий таркиб тавсиявий бўлиб, хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашилари таркибига тегишли ҳудуддаги бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг институтларида намунали, обрў-эътиборли ҳамда ташаббускор, соҳанинг етук мутахассислари бўлган хотин-қизлар ҳам киритилиши мумкин.*

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар
ва Тошкент шаҳрида ҳамда туман (шаҳар)лардаги
хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгашлари тўғрисидаги
намунавий низомга
2-илова

Хотин-қизлар Кенгашлари фаолиятини ташкил этиш схемаси

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Ижро муддати |
|-----------------|--|--|---------------------------|
| 1-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари, туман (шаҳар)лар бўлимлари (кейинги ўринларда – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари) | Хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгашлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 30-40 нафар, туман (шаҳар)ларда 15-25 нафар аъзодан иборат таркибда ташкил этилади. | Доимий |
| 2-босқич | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари | Хотин-қизлар кенгашларининг таркиби тегишлилиги бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари буйруғи билан тасдиқланади. | Ҳар уч йилда тасдиқланади |

| | | | |
|-----------------|----------------------------|---|---------------------------------|
| 3-босқич | Хотин-қизлар кенгашлари | Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисида кўриб чиқилади. | Ҳар ойда камида бир мартаба |
| 4-босқич | Хотин-қизлар кенгашлари | Хотин-қизлар кенгашлари аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида навбатдан ташқари мажлисини чақириши мумкин. | Ёзма мурожаат тақдим қилинганда |
| 5-босқич | Хотин-қизлар кенгаши раиси | Хотин-қизлар кенгашларининг мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади. | Мажлис ўтказилган санада |
| 6-босқич | Хотин-қизлар кенгашлари | Хотин-қизлар кенгашлари мажлисининг баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига, фуқаролар йиғинларига, хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга, хотин-қизлар кенгашлари аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади. | Уч кун муддатда |

| | | | |
|------------------|---|--|--|
| 7-босқич | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари хотин-қизлар кенгашларининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда, унга ўзининг асослантирилган эътирозини ёзма шаклда юборади. | Кенгаш қарори олинган санадан бошлаб ўн кунда |
| 8-босқич | Хотин-қизлар кенгаши котиби ва аъзолари | Хотин-қизлар кенгашларининг котиби кенгаш аъзолари кўмагида хотин-қизлар кенгашлари қарорлари ижросининг боришини ўрганadi ва кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда раисга тегишли таклифлар киритади. | Доимий |
| 9-босқич | Туман (шаҳар)лар хотин-қизлар кенгашлари раислари | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашларига қилинган ишлар ва мавжуд таклифлар юзасидан ахборот тақдим этиб боради. | Ҳар чорак якунида |
| 10-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашлари раислари | Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига қилинган ишлар ва мавжуд таклифлар юзасидан ахборот тақдим этиб боради. | Ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санагача |

